

JÁMIYETLIK HÁM EKONOMIKALÍQ ILIMLER

Tariyx. Ruwqıylıq tiykarları

АМУДАРЁ БЎЛИМИДА СУД – ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

А.Абдуллаев – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

А.Ктайбеков – ассистент ўқитувчи

Ажсиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: XIX аср, суд, Амударё бўлими, бий судлари, генерал-губернатор, прокуратура, Адлия вазирлиги, иш юри-тувчи, халқ суди.

Ключевые слова: XIX век, суд, Амударьинский отдел, суды биев, генерал-губернатор, прокуратура, министерство юсти-ции, делопроизводитель, народный суд.

Key words: XIX century, court, Amudarya department, courts of biys, governor-general, prosecutor's office, ministry of justice, clerk, people's court.

XIX асрнинг сўнгги чорагида Амударё бўлими Рос-сия империяси таркибига киритилганидан кейин, ўлка-га кўчириб келтирилган рус аҳолиси ва шунингдек, маҳаллий аҳоли билан руслар орасида юз бериши мум-кин бўлган муаммоларни ҳал этиш масалалари сабабли суд тизимини шакллантириш зарурияти юзага келди.

Шу боис, Амударё бўлими бошлиғи ҳудудга теги-шли барча масалалар билан бирга, суд ишига оид муа-ммоларни ҳам назорат қилди. 1873 йилдан 1880 йилга-ча у тўғридан-тўғри жиноят ва фуқаролик ишлари би-лан шуғулланди. Аксарият ҳолларда, Амударё бўлими бошлиғининг ўзи судья вазифасини бажарар, ҳарбий дала судларини ташкил этиб, нафақат маҳаллий аҳолига нисбатан аёвсиз сиёсат олиб борар, балки бўлимдаги тартиббузар русларни ҳам сургун қилиб, ҳатто ўлим жазосига ҳукм этар эди [1:42]. Амударё бўлимида тер-гов-суриштирув ишларини Амударё бўлими бошлиғининг ихтиёрига кўра, унинг зобитларидан бири бажарди [2:9].

Шунингдек, бу даврда суд иши билан Амударё бўлими бошлиғидан ташқари, Амударё бўлимининг акциз назоратчиси (акцизный надзиратель) [3], Шўраҳон участкаси бошқармаси бошлиғи, суд нозирлари (судебные приставы) баварига шуғулланган. Оқибатда бўлимда турли жиноятлар бўйича кўзғатилган аксарият «иш»лар йиллар давомида ҳукм чиқарилмасдан муҳокама қилинаверган [4]. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, айнан бийлар судида нисбатан уруғ-аймоқчилик кучли бўлган. Уруғ-аймоқчиликни йўқ қилиш учун суднинг биринчи инстанцияси бошланғич ҳайъат шаклида ташкил этилган, уларнинг ичидан суд раиси сайланган ва бошқарган. Бий судлари аксарият ҳолларда очиқ ташкил этилган.

Амударё бўлимида судья ишини бажарувчи ҳақидаги дастлабки архив маълумотлари 1881 йил октябрь ойидан (подполковник Николай. – А.А.) бошлаб учрайди ва у «Амударё бўлими судьяси» [4] деб ёзилган муҳрга эга бўлган. Ушбу муҳрдан кейинги йилларда ҳам судьялар фойдаланган [5].

Туркистон генерал губернаторининг «Туркестанские ведомости» газетасида чоп этилиб борилган буйруқлари тахлили ҳам 1881 йил Амударё бўлимида алоҳида судья бўлганлигини тасдиқлайди. 1881 йил 10 ноябрдаги Туркистон генерал-губернаторининг 313-сонли буйруғига кўшимча, Амударё бўлимига судья лавозими учун ажратилган штатга берилган имтиёзлар янада аниқлаштирилган ҳамда у губернаторликдаги юқори лавозимдаги раҳбарлар даражасидаги барча ҳуқуқ ва устунлиқларга ҳам эга бўлган.

Судья лавозими ҳақидаги мазкур факт ҳам юқоридаги фикримизни тасдиқлайди. Ушбу даврдан бошлаб, Амударё бўлимида маъмурий расмий равишда суддан ажратилади. Аммо Амударё бўлими бошлиғи суд ишига тўғридан-тўғри аралашаётган давом этган. Шунингдек, 1882 йил 15 апрелда Туркистон генерал губернаторининг 120-сон буйруғига асосан Амударё бўлими судьяси лавозимида Соболевский тасдиқланади.

1882 йилга келиб, Туркистонда умумий ҳисобда 17 нафар – Сирдарё вилоятида 8, Фарғонада 6, Зарафшон округида 2, Амударё бўлимида эса 1 нафар уезд судьяси фаолият юритди. Амударё бўлимига оид сиёсий жараёнлар, маъмурий ва суд-ҳуқуқ тизимида тегишли махсус буйруқлар тизимли равишда эълон қилиниб борилишда давом этди. Амударё бўлими судьяси «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом» (1886 йил)га асосан, 1887 йилдан бошлаб мировой судья деб аталадиган бўлди. Бўлимда ташкил этилган мировой судьяларга руслар томонидан содир этилган жиноий ишларни кўриб чиқиш ва судлаш ҳуқуқи берилди.

1886 йилги «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом»га кўра, ташкил этилган мировой судларнинг эшиги маҳаллий аҳоли учун ёпиқлиги, ҳатто рус конунларининг устунлигига «онги етиб», ўзларининг халқ судьяларига эмас, мировой судьяларига мурожаат қилишни истаган айрим маҳаллий аҳоли вакилларининг аризалари ҳам мировой судьялар томонидан қабул қилинмаётганлиги танқид қилинди.

1886 йилгача Туркистон генерал-губернаторлигида учта мустақил маъмурий бўлинма – Сирдарё вилояти, Зарафшон округи ва Амударё бўлими бўлиб, улар битта вилоят бошқармаси ва битта суд бўлимига эга бўлган. Вилоят бошқармаси бўйича прокурор сифатида учта прокурор – Сирдарё вилояти губернатори, Зарафшон округи бошлиғи, Амударё бўлими бошлиғи фаолият юритган. Ушбу прокурорлар барча судга тегишли масалаларни ўзгартирган, уларни маъмурий тартиблар асосида, ўз ихтиёрича ҳаракатдан тўхтатган. Губернаторлар ва округ бошлиқларининг, шу жумладан, Амударё бўлими бошлиғининг прокурор вазифасини бажарганлигининг сабаби шундан иборат бўлганки, Ҳарбий суд комиссияси судга топширилиши керак бўлган, аммо айбдорлиги кўрсатилмаган «ишларни» кўриб чиқиш учун қабул қилиб олишдан Ҳарбий суд низомларининг (1859 йил нашр этилган) 265-266, 269-моддаларига биноан бош тортган. Шундан кейин, айбланувчини кўрсатадиган одам бўлмагани учун губернаторлар бу ишни бажаришга ўзлари киришганлар.

Айрим губернаторлар иккиланиб, бу вазифани бажаришдан бош тортган. Амударё бўлими бошлиғи «Амударё округини бошқариш тўғрисидаги муваққат Низом»га (4-модда) асосан, Амударё округи бошлиғи Ҳарбийдан тайинланганлиги учун мазкур масалани ҳал этиш ҳуқуқига эга бўлган. Барча маъмурий-ҳуқуқий масалаларни Сирдарё вилояти губернатори, Амударё бўлими бошлиғи ечган ҳамда амалга оширган.

«Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом» (1886 йил)нинг 131, 161–162-моддаларига асосан, 1876 йилда нашр этилган «Суд жараёнлари» ҳақида конуннинг жиноят ва айбдорликка бағишланган 51-моддасидан 318- моддасигача бўлган моддалар асосида мировой судьялар ва уларнинг ёрдамчилари ёки уларнинг вазифасини бажарувчилар тергов ишларини прокурор кузатуви остида олиб бориши

назарда тутилган. 161-моддага асосан полиция ҳар бир бошланган тергов иши ҳақида тегишли прокурор назорати вакилига хабар юбориб туриши кўрсатилган. Прокурор ёки унинг ёрдамчиси ишни қайта терговга юбориш эҳтиёжи бўлмаса, тегишли судга юбориши, агар зарурият бўлса, ўша ишни олиб борган мировой судьяга ёки унинг ёрдамчисига қайтарилиши қайд этилган.

Амударё бўлими бошлиғи ҳуқуқ-тартибот соҳасидаги камчиликлар, жиноий ва фуқаролик ишлари бўйича қабул қилинган қарорлар устидан тушган шикоятларни, шу билан бир қаторда оддий фуқароларнинг ёзган аризаларини ўрганган, тегишли қарор қабул қилган ва расмийлаштириб борган. Барча масалалар, шикоятлар бўйича, ўзининг ижобий, яъни «оқловчи» ёки салбий, яъни «қораловчи» сифатида ўз хулосаларини бериб борган. Ҳар бир содир этилган жиноят тури, айблов хулосалари бўйича берилган суд қарорлари Амударё бўлими бошлиғи девонхонасида расмийлаштирилган. Айрим ҳолларда ҳарбий судья судлаган, ҳукмни эса генерал адъютантлар раҳбарлигида конфирмация, яъни Олий ҳокимият тасдиқлаган. Москва ҳарбий округи суди муовини П.Ф.Карпов, бир вақтнинг ўзида Амударё бўлимининг ҳам прокурори ҳисобланган.

1895 йил 13 декабрда Россия Адлия вазирлигининг 51-сонли буйруғи билан П.Ф.Карпов Сирдарё вилояти суди аъзоси этиб ҳам тайинланади.

Шу билан бир қаторда, Амударё бўлими бошлиғи ва прокурор халқ судьялари, яъни бий ва қози судьялари қарорлари устидан ҳам назорат ўрнатган ва тегишли масалалар бўйича ўз хулоса ва эътирозларини мунтазам равишда билдириб борган.

Амударё бўлими бошлиғи халқ судьясига, мировой судьяга, прокурорга, Туркистон генерал-губернаторлигига маҳаллий аҳоли томонидан ёзилган ариза ва шикоятларни қаттиқ назорат остида ушлаб турган ва расмийлаштириб борган. Сирдарё вилоят прокурори халқ судьялари–қози ва бий судьялари, уларнинг съездлари, фавқулодда съездларида қўрилган масалалар, шунингдек, мировой судьялари фаолияти ва қарорлари бўйича ҳам хабардор бўлиб турган.

Амударё бўлими бошлиғи, вилоят судьяси ва прокуратура ходимлари ҳамкорликда фаолият юритганлар. Асосий мақсад ўлкани бўйсундириш, халқни маҳв этиш, империя сиёсатини амалга ошириш эди.



Бийлар суди



Амударё бўлими судьясининг муҳри (1881 йил)

Адабиётлар

1. Борьба трудящихся Каракалпакии против социального и колониального гнета. – Т.: «Фан», 1971. – С. 42
2. Дингельштедт Н. Судебное преобразование в Туркестане. // Журнал гражданского и уголовного права. – Кн. 7. Разд. «Заметки». – С.-Петербург: 1892. – С. 9.
3. Россия империясида XIX асрнинг иккинчи ярмида губерния, вилоят ва маҳаллий давлат идораларида Акциз бошқармалари ташкил этилган. Бошқарма бошлик, ревизор, техник, суд бўлими бўйича амалдордан иборат бўлган. Амударё бўлимида Амударё бўлимининг акциз назоратчиси бўлимидаги савдо-сотик, молия, солиқ масалалари билан бирга, тергов ишларига тўғридан-тўғри аралашган. Акцизнинг қиссий мазмунли солиқни англатади. – А.А.
4. ЎзР МДА. И–910-жамғарма, 1-рўйхат, 1-йиғма жилд, 1-12-варақлар; 2-йиғма жилд, 7-8, 21-варақлар.
5. Ўзбекистон Республикаси кинофотофоноҳужжатлар Марказий давлат архиви. 0-94288. Бийлар суди. 1875.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада XIX аср Амударё бўлимида суд-ҳуқуқ тизими шаклланишининг дастлабки даври ҳақида сўз юритилади. Тизим фаолиятини ўрганиш бўйича экспедиция ташкил этилган. Асосан вилоят суди, халқ суди, давлат прокуратураси, ҳимоячилар ҳайъати, нотариус, суд ижрочилари, қози судлари ишлари ўрганилган. Судларнинг ҳукм ва қарорларининг ижросига эътибор қаратилган. Ўлкада суд органларининг ҳудудий жойлашуви ва фаолияти ҳақида фикр ва мулоҳазалар юритилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье говорится о начальном этапе формирования судебно-правовой системы в Амударьинском отделе в XIX веках. Организована экспедиция по изучению деятельности системы. В основном изучены работы областного и народного судов, государственной прокуратуры, коллегии защитников, нотариуса, судебных исполнителей, казийских судов. Уделено внимание исполнению судебных приговоров и решений. Сделаны выводы и анализированы деятельность и территориальные расположения судебных органов региона.

SUMMARY

The article deals with earliest stage of formation of judicial law system in Amudarya region of the XIX-th century. There was organized an expedition on studying the activity of the system. On the whole there were studied the works of Regional and People's Courts, State Prosecutor's Office and Barristers Colleges, notary, officers of court and kaziy (local judge) courts. There is given attention to execution of judicial sentences and verdicts. There were made conclusions and analysed the activity and territorial locations of judicial bodies of the region.